

Маҳалла билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш

ТИҚХММИ “Гидромелиорация” факултети “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси профессор ўқитувчилари Д.Назаралийев, С.Нуржанов, Ш.Акмаков, И.Рўзийев, С.Қодиров, Қ.Ешқуватов, Ж.Ҳамроқуловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 20-апрелдаги ПФ-6208-сонли фармони, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021-йил 29 - апрелдаги 202-сонли буйруғи ижросини таъминлаш юзасидан, 12.06.2021 йилда Тошкент шаҳар Мирзо-Улуғбек туманидаги “Лашкарбеги” М.Ф.Й. га ташриф буюрдилар.



Ташриф давомида “Лашкарбеги” М.Ф.Й. раисининг ўринбосари Зулфия Расули билан учрашилди, маҳалладаги бандлиги таъминланмаган ёшлар сони аниқланди ва уларни рўйхати шакллантирилди, маҳалла ёшлари учун тадбиркорлик ўқув курслари ташкил этиш, маҳалладаги ёшларнинг қизиқишлирага қараб уларни “Инглиз тили” курси, “Компьютер саводхонлиги” курсларига жалб этиш бўйича маҳалла худудидаги уйларга эълонлар тарқатилди. Шундан сўнг маҳалладаги кекса ёшли ётиб қолганлар уйларига бориб аҳволидан хабар олинди.



Бундан ташқари маҳалладаги бир нечта ёшлар билан ҳам учрашув ташкил этилди ва уларни қизиқтирган саволларига жавоб берилди. Кафедра ўқитувчилари маҳалла худудида жойлашган кутубхонага ҳам ташриф буюрдилар у ердаги мавжуд адабиётлар ҳамда ёшларни кутубхонадан фойдаланишлари ҳақида маълумотлар олинди. Маҳалла билан мунтазам равишда алоқа қилиш ишлари келишиб олинди.

ТИҚХММИ матбуот хизмати